




Ўзбекистон  
Республикаси  
Марказий банки

# Бизнес кайфияти шарҳи

2022 йил III чорак



Тошкент 2022 йил

**Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторлар орқали ўзида ифода этади.**



---

Ушбу шарҳ Марказий банк томонидан 2022 йилнинг III чораги давомида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятни ўрганиш мақсадида 2022 йилнинг октябрь ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи 1,5 мингга яқин тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этишди. Бунда, тадбиркорлик фаолиятининг имкон қадар кўпроқ йўналишларини қамраб олиш орқали репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги иш кучига бўлган талаб ҳамда бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмалар юзасидан 15 дан ортиқ саволлардан иборат.

Саволлар бир неча жавоб вариантларидан иборат бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан биттаси ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантыни танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазни коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланилган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиш имконини беради.

---

# Умумий хулосалар

## Тадбиркорлик муҳити

Респондентларнинг фикрича республикада 2022 йил III чорагида тадбиркорлик шароитлари ва муҳити ўтган чоракка нибатан **яхшиланди** (1-расм). Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларидаги бизнес шароитлари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори шаклланди.

## Иқтисодий фаоллик

Ушбу даврда **энергия истеъмоли** кўпайганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши **40 фоизни** ташкил этди (II чоракда 43 фоиз). **Юк ташиш ҳажмида** эса **ўсиш** кузатилган бўлиб, юк ташиш ҳажми ўсганлигини таъкидлаган бизнес вакиллари улуши 42 фоизгача юқорилаган (II чоракда 39 фоиз). Шунингдек, респондентларнинг 20 фоизга яқини (II чоракда 24,5 фоиз) **тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини** қайд этишган.

## Бандлик

Жорий йилнинг III чорагида ишбилармонларнинг аксарият қисмида **ишчи кучига бўлган талаб** ўтган чорак даражасида бўлган. Шунингдек, маиший хизмат, тиббиёт, умумий овқатланиш ва савдо соҳаларда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бироз ошган. Айни вақтда, тадбиркорлардан **иш сўраб келувчилар** сони кўпайган. Бунда, **фантаълим, тиббиёт, туризм** ва **ташиш хизмати** соҳаларида иш қидирувчилар сони ошган.


## Пул-кредит

Ўрганилаётган даврда тадбиркорлар **қарз юкламалари** (кредит ва фоиз тўловлар) ўтган чоракка нисбатан бироз ошганлигини таъкидлашган. Жумладан, жорий йилнинг II чорагида ушбу кўрсаткич 40 фоизни ташкил қилган бўлса, III чоракка келиб 43 фоизга еткани таъкидланган.

## Истиқболлар

Тадбиркорларнинг келгуси давр учун кутилмалари **оптимистик шаклланган**. Хусусан, келгуси 12 ой ҳамда яқин 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда бизнес истиқболларини ижобий баҳолаган иштирокчиларнинг улуши ўртача 70 фоизни ташкил этди (II чоракда 66 фоизга тенг).

1-расм. Ўзбекистонда бизнес кайфияти индикатори (респондентлар улуши фоизда)



2022 йил III чорагида Тошкент вилоятидаги тадбиркорларнинг салмоқли қисми муҳит **яхшиланганини** (55 фоизи) таъкидлашган бўлса, Тошкент шаҳридаги вакиллар бизнес шароитлари **ўзгаришсиз қолганини** (46 фоизи) билдиришган. Шунингдек, бизнес муҳитининг ёмонлашганини таъкидлаган респондентларнинг улуши Тошкент шаҳрида вилоятдагига қараганда икки баробар кўпчиликти ташкил қилган.

Бунда, солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги ҳамда рақобат муҳити ёмонлашаётганлиги ишбилармонлик шароитларига салбий таъсирини таъкидлашган. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар банк хизматларида баъзи муаммолар юзага келаётганини билдиришган (2-расм).

Шу билан бирга, алмашув курсининг барқарорлиги ҳамда лицензия ва гувоҳномалар олиш бўйича енгилликлар яратилганлиги ижобий баҳоланган.

Чорак давомида Тошкент вилоятида 48 фоиз (ўтган чоракда 46 фоиз) бизнес вакиллари **ёқилғи истеъмоли** ҳамда юк ташиш хажмлари аввалги чоракка нисбатан **кўпайганини таъкидлашган**.

Тошкент шаҳрида эса 35 фоиз (ўтган чоракда 42 фоиз) вакиллар ёқилғи истеъмоли ва юк ташиш ҳажми кўпайганини билдиришган.

Тошкент шаҳридаги бизнес вакилларининг 30 фоизга яқини чорак давомида тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаганликларини билдиришган.

Тошкент вилоятида ишчи кучига бўлган талаб кўпайган бўлса, Тошкент шаҳрида ўзгаришсиз қолган (3-расм).

Тошкент вилоятида **қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш** ҳамда **савдо** соҳасидаги тадбиркорлардан иш излаб келганлар улуши юқори шаклланган. Тошкент шаҳрида эса асосан **туризм** ҳамда **ахборот технологиялар** соҳасида иш излаётганлар ўтган чоракка нисбатан юқорилаган.


Шу ўринда, респондентларнинг кўпчиликти қисми иқтисодиётдаги пул-кредит шароитлари **“ўртача”** деб баҳолаганлар.

Тошкент вилоятидаги бизнес вакилларининг кутилмалари оптимистик шаклланиб, келгуси 3 ойда ўз тушумлари ва савдо ҳажми **ошишига** ишонч билдирмоқда.

**2-расм. Ишбилармонлик муҳитини ёмонлашишига таъсир этувчи омиллар (респондентлар улуши, фоизда)**



**3-расм. Иш кучига бўлган талабнинг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)**





Бухоро вилоятида фаолият юритаётган субъектлар ҳудуддаги бизнес шароитлари **ўзгаришсиз қолганини**, Самарқанд ва Навоий вилоятлари бизнес вакиллари эса тадбиркорлик муҳити ўтган чоракка нисбатан бироз **яхшиланганлигини** эътироф этишди.

Тадбиркорлар томонидан асосан электр таъминоти ҳамда йўллар инфратузилмаси яхшилангани бизнес фаолият юритишга ижобий таъсир кўрсатган омиллар сифатида қайд этилди.

Умуман олганда ушбу ҳудудлардаги тадбиркорларнинг аксарият қисмида **энергия сарфи** ҳамда **юк ташиш ҳажми** бироз кўпайган. Бунда, Самарқандда ташувлар ҳажми ошгани **52 фоиз** вакилларда таъкидланган (4-расм).

Бухоро вилоятида респондентларнинг учдан бир қисми, Самарқанд ва Навоий вилоятларида эса 15-20 фоизи чорак давомида тўлиқ салоҳиятда фаолият юрита олмаганликларини қайд этишган. Асосий сабаблари сифатида айланма маблағнинг камлиги, хомашё етишмаслиги келтириб ўтилган (5-расм).

Бухоро ҳамда Навоий вилоятларида бизнес вакилларининг аксарият қисмида **ишчи кучига бўлган талаби** ўзгармаган.

Самарқанд вилоятида иш кучига бўлган талаб юқорилаган. **Қурилиш, туризм** ва **савдо** соҳаларидаги тадбиркорларда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бироз ошган. Айни пайтда, айнан мазкур соҳаларда **иш изловчилар** сони ҳам юқори бўлган.


Кредит ва фоиз тўловларининг **ошганлигини** қайд этган жавоб берувчилар улуши ушбу ҳудудларда ҳам юқори бўлди.

Шунингдек тадбиркорларнинг ярмидан кўпи иқтисодиётдаги жорий пул-кредит шароитларини “ўртача” дея баҳолашган.

Самарқанд ва Бухорода **туризм** ҳамда **таълим** соҳасидаги бизнес вакилларининг, Навоийда **ишлаб чиқариш** ва **савдо** каби соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисми келгуси чоракда **савдо ҳажми ва даромадлари ортишини кутишмоқда**.

Бизнес вакиллари ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизда иқтисодиёт ва бизнес ривожланишига ишонч билдиришган.

4-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда юк ташиш ҳажми (респондентлар улуши, фоизда)



5-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (респондентлар улуши, фоизда)





# Андижон, Наманган, Фарғона

2022 йил III чорагида ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 59 фоизи (*ўтган чоракда 50 фоиз*) бизнес шароитлари **яхшиланганини** таъкидлашди.

Бизнес вакиллари ўз **молиявий ҳолатларининг яхшилангани, онлайн банк хизматлари сифатининг ошаётганлигини** ҳамда ҳудудда тадбиркорлар ўртасида **соғлом рақобат ривожланиши** бизнес муҳитига ижобий таъсир этаётганини билдиришди.

Шу билан бирга, **газ ва электр таъминотидаги узилишлар, солиқ маъмурчилиги** ҳамда **логистикадаги қийинчиликлар мавжудлиги** каби омиллар ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

**Иқтисодий фаоллик** даражаси ҳудудларда ўтган чоракка нисбатан ўзгаришсиз қолганлиги кузатилди. Бунда, **юк ташиш ҳажми 40 фоиз** вакилларда ошган бўлса, **8 фоизда** пасайган.

Айрим тадбиркорлик субъектлари чорак давомида **тўлиқ салоҳиятда фаолият юрита олмаганлик** ҳолатлари кузатилган. Респондентларнинг 20 фоизга яқини (*ўтган чоракда 23 фоиз*) маълум бир узилишлар билан ишлашган.

Айни пайтда, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун **етарли маблағ мавжуд эмаслиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар, талабнинг барқарор эмаслиги** тўлиқ фаолият юритмаслигига асосий сабаб сифатида келтириб ўтилган.


Андижон ва Фарғона вилоятларида ишлаб чиқариш, фан-таълим ва қурилиш соҳаларидан ташқари қолган соҳа вакиллари **ишчи кучига бўлган талаби** ўзгармаган. Наманган вилоятида эса хунармандчилик соҳасида қўшимча ишчиларга бўлган талаб юқорилаган (*6-расм*).

**Ишлаб чиқариш соҳасида ишга кирувчи талабгорлар** сони юқори бўлган. Шунингдек, **қурилиш, умумий овқатланиш, ташиш хизмати, фан-таълим** ҳамда **савдо** соҳа вакиллари ҳам иш жойи сўраб келганларнинг улуши кўпчилиكنи ташкил қилди.


Бизнес субъектларининг аксарият қисми ушбу даврда кредит ва фоиз тўловларининг **ўзгаришсиз қолганлигини** таъкидлашган.

Умуман олганда, тадбиркорлик субъектлари яқин истиқболда мамлакатимизда иқтисодий муҳит нисбатан **яхшиланишига** ишонч билдиришмоқда (*7-расм*).

**6-расм. Соҳалар кесимида ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши (респондентлар сони)**



**7-расм. Тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалари (респондентлар сони)**





# Қашқадарё, Сурхондарё

Вакилларнинг кўпчилиги сўров ўтказилган даврда бизнес шaroитлари ва муҳити ўтган чоракка нисбатан **яхшиланганини** таъкидлашган (8-расм). Шу билан бир қаторда, бизнес **ёмонлашганини** билдирган респондентлар улуши пасайишда давом этган ҳамда Қашқадарё вилоятида 11 фоизгача, Сурхондарёда эса 4 фоизгача қисқарган (ўтган чоракда мос равишда 14,6 ва 5,7 фоизга тенг бўлган). Бунда вакиллар етарли инфратузилма мавжуд эмаслиги ҳамда газ ва электр таъминоти бироз ёмонлашгани фаолият ривожланишига тўсқинлик қилаётганлигини қайд этишди.

Ушбу даврда тадбиркорлик субъектларининг **аксарият қисмида** ёқилғи ва энергия истеъмоли **ўзгаришсиз қолган**.

Шунингдек, III чоракда юк ташиш ҳажми **ошганлигини** маълум қилган респондентлар Қашқадарё вилоятида 53 фоизни (ўтган чоракда 48 фоиз), Сурхондарёда эса 44 фоизни (ўтган чоракда 41 фоиз) ташкил этди. Бу ҳолат иқтисодий фаолиқнинг жадаллашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Вилоятларда иқтисодий фаоллик жонланиши билан **тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаган тадбиркорлар сони қисқаришда давом этган** (I чоракда 33 фоизга, II чоракда эса 19 фоизга тенг бўлган).

Иш кучига талаб ҳамда иш сўраб келганлар сони Қашқадарё вилоятида бироз ошган бўлса, Сурхондарёда деярли ўзгармаган.


Бунда **қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тиббиёт** ҳамда **маиший хизмат соҳасида** иш излаётганлар кўпчиликни ташкил қилган.

Тадбиркорларнинг **45 фоизи** сўров ўтказилган даврда қарз юкламаларининг кўпайганлигини таъкидлашган.


Ҳудудларда вакиллар келгуси 3 ойда ўз бизнес фаолияти яхшиланишига ижобий қарашмоқда. Ҳозирги кунда жадал ривожланиб бораётган **қишлоқ хўжалиги соҳасида** ҳамда **савдода** тадбиркорлар даромадлари ошишини кутишмоқда.

Бизнес вакилларининг яқин истиқболдаги мамлакат иқтисодиёти ва бизнес шaroитлари бўйича кутилмалари бирмунча яхшиланган (9-расм).

8-расм. Бизнес юритиш шaroитларининг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)



9-расм. Бизнес фаолияти (савдо ҳажми, тушумлар, даромад) бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)





# Жиззах, Сирдарё

**Жиззах** вилоятида фаолият юритаётган бизнес вакиллари ўз ҳудудларида бизнес шароитлари **яхшиланганини**, **Сирдарё** вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар эса **ўзгаришлар сезмаганлигини** таъкидлашди.

Ҳудудларда маъмурий аралашувлар камайганлиги, бизнес бошлаш қулайлиги ва бу, ўз навбатида, рақобат муҳити бироз яхшиланишига олиб келагинини жорий йилнинг III чорагида бизнес муҳитига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўрганилаётган чорақда аксарият тадбиркорларда **энергия истеъмоли** ҳамда **юк ташиш ҳажми** ўтган чорақ даражасида бўлган (10-расм).


Шунингдек, тўлиқ салоҳиятда фаолият юрита олмаганлик ҳолатлари камайганлиги кузатилмоқда. Бунда, ушбу сегментдаги респондентларнинг улуши 17 фоизгача қисқарган (I чорақда 31 фоиз, II чорақда 23 фоизга тенг бўлган).

Жиззах вилоятида аксарият корхоналарда **иш кучига талаб** ортган бўлса, Сирдарё вилоятида ушбу кўрсаткич ўзгаришсиз қолган. Савдо, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамда ташиш хизматида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг **ишчи кучига бўлган талаби** ошган бўлса, қолган бизнес вакилларида ишчи кучига бўлган эҳтиёж ўзгармаган (11-расм).

Жиззах вилоятидаги тадбиркорлик субъектларининг аксарияти III чорақда қарз юктамаларида ўсиш кузатилган бўлса, Сирдарё вилоятида ўзгаришсиз қолганлиги таъкидланган.


Жиззах вилоятида **савдо, туризм** ва **ишлаб чиқариш** соҳалари ҳамда Сирдарёда **фан-таълим** ҳамда **қишлоқ хўжалиги** соҳаларида фаолият юритаётган бизнес вакилларининг қарийб ярми келгуси чорақда савдо ҳажми ва даромадлари ортишини бўйича ижобий кутилмалар шаклланган.

**10-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли**  
(респондентлар улуши, фоизда)



**11-расм. Иш ўринлари таклифи ортган деб баҳоланган соҳалар**

(респондентлар улуши, фоизда)







**Қорақалпоғистон Республикаси** ва **Хоразм вилоятидаги** тадбиркорлар III чорақда бизнес юритиш шароитлари ва муҳити **яхшиланганини** қайд этди.

Тадбиркорларнинг аксарият қисми онлайн банк хизматлари ва тадбиркорлар ўртасидаги рақобат ривожланаётганлигини ижобий омиллар сифатида келтиришган. Бироқ, солиқ маъмурчилиги ва йўл инфратузилмаси қониқарсиз ҳолдалиги ҳудуд бизнес муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганлигини билдиришган.

Чорак давомида **Қорақалпоғистонда** тадбиркорлик субъектларининг **ёқилғи** ва **энергия сарфи** бироз кўпайган бўлса, **Хоразмдаги** вакиллар энергия сарфи **ўзгармаганини** таъкидлашган. **Юк ташиш ҳажми** эса бизнес вакилларининг аксарият қисмида **ўзгармаган**.

Хоразмда жавоб берувчиларнинг 20 фоизга яқини чорак давомида тўлиқ **фаолият юрита олмаганликларини** билдиришган бўлса, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил қилди.

Умуман олганда, ҳудудларда ишчи кучига бўлган талаб ўзгармаган бўлсада, **иш сўраб келгувчилар сони сезиларли ошган**.


Қорақалпоғистонда **ишлаб чиқариш, тиббиёт, савдо** ҳамда **ҳунармандчилик** соҳасида иш излаётганлар кўпчиликни ташкил қилган (12-расм).

Хоразмда эса иш сўраб келувчиларнинг аксарият қисми **ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик** ва **умумий овқатланиш** соҳаларига тўғри келган.

Бизнес вакилларининг қарз юкламалари ўзгариши бўйича, Хоразм вилоятида кредитлар ва улар бўйича фоиз тўловлар ошиб бораётганлигини қайд этганлар улуши юқори шаклланди. Қорақалпоғистонда эса ўзгаришсиз қолганлиги таъкидланган (13-расм).

Бизнес вакилларининг келгуси 3 ойда даромадлари кўпайиши бўйича кутилмалари бирмунча яхшиланган. Хусусан, Қорақалпоғистонда **савдо** ҳамда **ишлаб чиқариш** соҳаси, Хоразмда эса **ҳунармандчилик** ва **туризм** соҳаси ривожига ишонч юқори шаклланган.

**12-расм. Қўшимча иш сўраб келганлар динамикаси** (респондентлар улуши, фоизда)



**13-расм. Кредит/қарзлар юкламалари ўзгариши** (респондентлар улуши, фоизда)

